

ХИТОЙ САРИ ЮРИШ ЁХУД АМИР ТЕМУР ҲАЁТИНИНГ СЎНГТИ КУНЛАРИ

Ўқтам Менглиевич КАРИМОВ

катта ўқитувчи

Ўзбекистон миллый университети

ҳарбий тайёргарлик ўқув маркази

Тошкент, Ўзбекистон

Аннотация

Ушбу мақолада Амир Темурнинг Хитой сари йўлга чиқиши ва касалликка чалиниши тарихий манбалар асосида ёритилган.

Таянч сўзлар: Амир Темур, Самарқанд, Ўтрор, Хитой, васият, табиблар, амирлар, беклар, маликалар, шаҳзодалар.

ПОХОД В СТОРОНУ КИТАЙ ИЛИ ПОСЛЕДНИЕ ДНИ АМИРА ТЕМУРА

Ўқтам Менглиевич КАРИМОВ

старший преподаватель

Учебный центр военной подготовки

Национального университета Узбекистана

Ташкент, Узбекистан

Аннотация

В данной статье, на основе исторических источников, повествуется о походе Амира Тимура в Китай и его болезни.

Ключевые слова: Амир Тимур, Самарканда, Утрап, Китай, завещание, лекари, эмиры, беки, принцессы, принцы.

Соҳибқирон Амир Темур 1404 йилнинг июль ойида етти йиллик юришдан Самарқандга қайтгандан сўнг, мамлакат марказида қандай бунёдкорлик ишлари амалга оширилгани ва унинг ҳолати билан қизиқди. Шу билан бирга пойтахт Самарқандда бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларига янада эътибор қаратди. Бир неча шаҳзодаларнинг тўй маросимларини ўтказди [5;191].

Мамлакат ишларини тартибга солғандан сўнг, Хитой юришига тайёргарлик кўра бошлади. Лашкарни қузатар экан Хитойни олишга тайёргарликни, Хитой билан уруш қилиш учун ғоятда қудратли кучга эга бўлганини ҳис қилмоқда эди. Манбаларда таъкидланишича Хитой юриши пайтида Амир Темур қўшини икки юз минг суворийдан иборат бўлган

[4;158]. Амир Темур режаси бўйича лашкар Сирдарёдан ўтиб, Ўтрорда нафас ростлаб Турфон орқали Су-Чунни кўлга киритиши лозим эди. Баҳорга чиқиб эса Хитой зabit этилиши режаланган эди.

1404 йилнинг 27 ноябр куни Амир Темур Самарқанддан чиқиб, Оқсулот қишлоғига етиб борди [5; 293]. Ундан сўнг Қора булоқ мавзесига етганда сафарга чиққан шаҳзодалар ва амирлар ўз қўшинлари билан Соҳибқиронга келиб қўшилдилар. Бутун бошли қўшин биргаликда Илонўтти йўли орқали Томлик деган жойга келганда қалин қор ёғди ва жуда қаттиқ совуқ бўлди. Қўшин ўз саркардаси бошчилигига Оқсулот мавзесига келиб тушди. Ушбу жой қумлоқ эди ва ўтин мўл эди. Соҳибқирон Оқсулотда қарийб эллик кун ўлтириди [5; 294]. Бундан кўриниб турибидики, қаттиқ совуқ ва қалин қор ёғиши натижасида қўшин бир ерда туриб қолган. Олдинга ҳаракатланиш иложи бўлмаган.

Сўнгра Амир Темур Оқсулотдан Сирдарёнинг қуий тарафидан юриб дарёдан ўтди. Қаттиқ совуқ бўлганлигидан Сирдарё суви қалин музлаган эди. Дарёнинг устидан карвонлар аравалари, отлари билан bemalol ўтса бўларди. Амир Темур 1405 йилнинг 14 январь куни Ўтрордаги Бердигек саройига келиб жойлашган [5; 295]. Бердигек Амир Темурнинг энг содиқ амирларидан бири Шайх Нуриддиннинг укаси эди. Совуқ тушиб қолгани учун Темур қўшин бошлиқларини, амирларини қишлаш учун Тошкентга жўнатиб юборади. Унинг ёнида факат амирлар Шоҳ Малик, Шайх Нуриддин ва Хожа Юсуфларгина қолади. Амир Темур турган уйда ёнгин чиққан, уни тезда ўчиришган ва таъмирлашган. Ўша пайтда кечалари одамлар ёмон, қўрқинчли тушлар кўра бошлашган. Бу эса қўшин кайфиятига ўзгача таъсир қилган [4;159].

Амир Темур буйруғи билан олдинга юриш учун йўлларни текширишга гурух юборади. Йўлларни текширган гурух қорнинг қалинлиги икки найзага teng келиши, юриш имконияти йўқлиги хабарини келтиришади. Тўхтамишхондан Ўтрорга Қора Хожа бошчилигига элчи ҳайъати келади ва унинг мактубини келтиради. Мактубда Амир Темур унинг айбидан ўтишини

ва тахтга ўтиришга ёрдам беришини илтимос қилиб, ҳеч қачон унинг амридан чиқмаслигини, ниҳоятда афсусда эканлиги айтилган эди. Амир Темур элчи шарафига катта зиёфат беради. Зиёфат чоғида Хитой юришидан қайтгандан сўнг, албатта Жўчи улуси тахтига Тўхтамишхонни ўтқазишга ваъда этади [4;159].

Шу куни Амир Темур маликалар ва шаҳзодаларни Самарқандга қайтишга ва Тўхтамишхон элчиси Қора Хожага кўп совға саломлар билан рухсат бериб, Хитойга юришни давом эттиришга фармон беради. Лекин, тўсатдан Амир Темур қаттиқ касалланиб ётиб қолади. 1405 йилнинг 11 февралига келиб, соҳибқиронни қучли иситма аъзойи баданини қамраб олди. У зоҳиран совуқдан амин бўлиб, ботинан ўзидан ибрида (касалли)ни даф қиласидиган нарса тайёрламоқни истади [1; 324]. (*Ибн Арабиоҳнинг Амир Темур тарихига бағишиланган асарида “ибрида” касаллиги ҳақида маълумот берилиб, у бурудат (совуқ) ва рутубат галабасидан пайдо бўладиган ва жимони заифлаширадиган касалликдир*).

Ўз замонасининг энг қучли табибларидан Мавлоно Фазлуллоҳ Табризий бошчилигидаги табиблар Амир Темурда бир касалликка қарши даъво дориларини қўлласалар, бошқа бир касаллик чиқиб кела бошлайди. Пайдо бўлаётган касалликлар бир-бирига зид бўлиб, даволаш чоралари фойда бермай қолди. Дардига даво бериш мақсадида тайёрланган дорилар ичирилса хам ўзгариш бўлмасди. Амир Темур қирчиллама қишида кўп йўл босганлиги ва ўпкасини совуққа олдиргани, қучли шамоллаш касаллигига чалинганди.

Амир Темур бир ҳушидан кетар, яна ўзига келарди. Аммо ақли ҳуши жойида бўлиб, қўшиннинг аҳволи ҳақида хабардор бўлиб турарди. Чунки у ҳар доим яхши ва ёмон, хатарли кунларини, зафарларини ушбу қўшин билан бирга ўтказган эди. Ҳеч қачон қўшиндан айрилмаган эди. У кундан қунга ҳолсизланиб борарди ва умрининг охирлаб қолганини сезарди. Метин иродали Амир Темур бир неча кун оғир касаллик билан курашди. Амир Темур ўз яқинлари, маликалар, шаҳзодалар, амирлар ва бекларни ёнига чорлаб васият қиласиди.



1-расм. Ҳазрати Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишилаб нашр этилган Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафарнома” асарида берилган миниатюра.

Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафарнома” асарида унинг васияти ўзи тузган құдратли мамлакатни идора қилиш бўйича жуда ҳам катта аҳамиятга молик тарзда келтирилган. «Таҳқиқ билурменким, руҳнунг қуши бу қафас-қолипдин кетгуси турур, худойға паноҳ элттим ва сизларни худойға топшурдум. Керакким, мен борғондин сўнг фарёду фифон қилмағайсизким, ҳеч фойда қилмас. Ва мени худойдин омурзиш тилангиз ва руҳимни фотиха ва дуо ва такбир билан шод қилғайсиз. Алҳамду ли-ллоҳким, бугун Эрону Туронда кишига мажол йўқтуурким, муҳолифат қилғай. Ва ҳазрат Ҳаққдин

умидим борким, агарчи гуноҳим кўб турур, аммо бу жиҳатдин менга раҳмат қилғайким, золимларнинг эликларини мазлумлардин қисқа қилибдурмен. Ва қўймадимким, менинг давримда қавий (золим)дин заиф куч егай. Агарчи дунёга вутуъи ва саботи йўқ турур, нечукким менга вафо қилмади, сизларга ҳам қилмағусидур”.

Бале, дунё ишини муҳмал қўйманғизким, сабаби ошуб ва мусулмонлар ташвишда бўлғайлар. Анинг учунким, қиёмат кунида сўрирлар. Эмди Пир Муҳаммад Жаҳонгирким, валийаҳд қилибмен ва ўрнумга қойиммақом этиб менким, Самарқанд (тахти) вилояти аники бўлғай. Ва истиқлол ва тамкин била ўлтуруб, мамолик тадбиридин ва черик ва раъийат ҳолидин хабардор бўлғай. Сизлар, керакким, анга мутиъ бўлуб, иттифоқ била анинг ишига машғул бўлғайсиз, то олам бузулмағай ва мусулмонларга ташвиш ва заҳмат бўлмағай. Ва неча йиллиқ саъии қилғоним зоеъ бўлмағай. Ва андоқ керакким, сизнинг иттифоқингизни билиб, эл йироқдин ҳисоб олғайлар ва ҳеч кишига ул қувват бўлмағайким, мухолифат қилаолғай» [4; 296]. Бу насиҳатлардин сўнг дедиким: «Беклар ва бузурглар барча ҳозир бўлуб, аҳд қилиб, онт ичсунларким, васият қилғон сўзумдин чиқмагайлар. Ва ўзга беклар ва сардорларким ғойиб турурлар, улар ҳам ушбу дастур билан амал қилғайлар» [4; 296]. Ҳамма ташвиш ва изтиробга тушиб қолдилар.

Саройда ҳозир бўлган амирлар ва беклар Тошкентда турган шаҳзода Халил Султон ва амирлар, бекларга хабар қилиб, чакиртирмоқчи бўлишганда Амир Темур «Вақт танг турур ва мундин артуқقا мажол йўқтуур. Аларким, ғойиб турурлар ҳозир бўлаолмаслар ва дийдор қиёматқа қолди. Ва сизлар била тақи мулоқот ушбу турур. Би ҳамдиллоҳжим диний муродотидин ҳеч нима қўнглумда орзу қолмайтуур. Магар фарзанд Шоҳрухниким (А.Темурнинг кенжা ўғли. Бу пайтда Хуросон маркази Ҳиротда бўлган), бу замонда ани кўрмадим» [4; 296]. Амир Темур ёнида бўлган амирлар ва беклар ушбу васиятга амал қилишга онт ичдилар.

Ҳазрат соҳибқирон фарзандлар сори боқиб, дедиким, «Ҳар неким мамлакат маслаҳати учун айттим, қулоғингизга тутунглар ва раъйо ва

фуқаро, мискин ҳолатидин ғофил бўлмағайсиз. Ва қиличнинг сопини маҳкам тутунгуз, то мендек подшохлиқдин бархурдор бўлғайсиз. Эрону Туронни мухолифлардин халос қилгайсизлар. Нечукким мен адлу эҳсон била оламни обод этибмен. Агар менинг васиятим била амал қилиб, адлу дод қилсангиз, кўб йиллар давлат ва мамлакат сизларда қолғуси туур. Ва агар сизлар аросида мухолифат бўлса, яхши бўлмағусидур» [4; 297].

Улуг Соҳибқирон Амир Темур бобомиз ўз васиятида давлат ишига бирор дақиқа бўлсин лоқайд ва бефарқ қарамасликни таъкидлаган. Шундан сўнг Мавлоно Ҳайбатуллоҳ ичкари кириб Амир Темурнинг ёнида қуръон тиловат қила бошлаган. 1405 йил 18 февраль куни кечки пайт шом ва хуфтон номозлари орасида бир неча бор ла илаҳа иллаллоҳ калимасини такрорлагач жон таслим қилди. Тонгда Ҳиндушоҳ Хазиначи ва Мавлоно Қутбиддин Амир Темурни ғусл қилдилар.

Шундан сўнг Ўтрорда ҳозир бўлган амирлар Шайх Нуриддин, Шоҳ Малик, Бердигек, Сари Буга, Хожа Юсуф ва хос кишилар иттифоқ қилиб, аҳд қилдилар. Ўзаро бир-бирларига қарши бормасликка, соҳибқирон васиятига қатъий амал қилишга қасам ичишган. Амирлар келишиб Амир Темур ўлимини қўшиндан яширдилар ва маликалар, шахзодалар аза тутиб ийғлашларини ман қилдилар.

Тошкентда турган шахзода Халил Султон ва амирзода Султон Ҳусайнга чопар қилиб Хизр Қавчинни юбордилар. Соҳибқироннинг аҳволи оғир, бир неча яқин кишиларингиз билан тез етиб келинглар. Шахзода Пир Муҳаммадга (Қандаҳорга) чопар орқали хат юбордилар. Хатда унинг бобоси Амир Темур вафот этгани, валиаҳд у бўлгани ва Самарқандга тез етиб келиши айтилган эди. Ҳиротга Шоҳруҳ мирзо ҳузурига Шайх Темур Қавчинни, Али Дарвишни Табризга шахзода Умар қошига, Боғоддога Аро Темурни шахзода Мироншоҳ ва амирзода Абу Бакрга ва бошқа жойларга хатлар битиб чопарлар юбордилар.

Лашкардан Амир Темур ўлимини қанчалик яширмасинлар барибир сир ошкор бўлди. Лашкар ичida ҳар хил гап сўзлар кўпая бошлади. Аввало

тахтга муносиб ўғил фарзанд Шоҳруҳ бўла туриб, нега невара Пирмуҳаммад валиаҳд қилинганигини гапира бошладилар. 1405 йилнинг 19 февраль куни хуфтон номози пайти маликалар ва шаҳзодалар Амир Темур жасадини олиб Ўтрордан Самарқанд томон йўлга чиқдилар. Тонгга яқин тўхтаб ҳамма ийғлаб дод фарёд қилиб бош кийимларини улоқтириб, тупроққа ағнаб дод сола бошладилар. Сирни яшира олмадилар. Фиғон солдилар. Беклар насиҳат қилдилар ва сабр қилишдан бошқа чора йўқлигини тушунтирудилар. Агар пароканда бўлинса душманлар хабар топиб ҳаракатга келишлари мумкинлигини уқтирудилар.

Амирлар, беклар, қўмондонлар маслаҳатлашиб, маликалар ва шаҳзодалар олдига бориб бундай қудратли қўшин бир жойда жам бўлган пайтда фақат Хитой мамлакати томон олға юриш кераклигини билдирадилар. Аллоҳга тавакkal қилиб Соҳибқирон Амир Темур руҳини шод қилган, ниятини амалга оширган бўламиз дедилар. Ҳеч иш қилмай қайтсак бу биз учун жуда катта уятли иш бўлади дедилар. Тошкентда турган шаҳзода Халил Султонни подшоҳ қилиб Хитой сари юрамиз. Ўша пайтда яқин жойда бўлган Халил Султон шаҳзодалар ичида энг ёши каттаси, йигирма бир ёшда эди. Хитойдан қайтгандан сўнг Амир Темур васияти бўйича қурултой чақириб иш кўрамиз деб келишдилар. Амир Темур билан бирга Хитой юришида Шоҳруҳнинг иккита ўғли Мирзо Улуғбек ва Иброҳим Султон бирга эди.

Амир Темур жасадини Самарқандга юбордилар. Қўшинни жанговар сафга тизиб Уч ариқ деган жойда Қалдирама кўприги олдида Соҳибқироннинг Оқ чодирини тикдилар. Оқ чодирга ноғоралар садоси остида шаҳзода Шоҳруҳ мирзонинг ўғли Иброҳим Султон кириб ўтиради. Қўшин Хитой сари юришга тайёр бўлди. Хитой чегарасига яқин жой Чуккалақ мавзеси бутун лашкарнинг йиғилиш жойи қилиб белгиланди [4; 300]. Лекин шаҳзода Султон Ҳусайн ва шаҳзода Халил Султоннинг тахт учун кураш бошлашлари ҳамма умидларни пучга чиқарди. Шундай катта ва қудратли қўшин Самарқандга қайтишга мажбур бўлди.

Соҳибқирон Амир Темурни Самарқанд шаҳрида суюкли невараси Муҳаммад Султонга атаб қурдирган мақбарага 1405 йил 23 февралда дағн қилдилар. Афғонистоннинг Андхўй мавзесида вафот этган Амир Темурнинг пири Сайид Барака хокини ҳам Самарқанд шаҳрига олиб келдилар. Васиятга кўра Сайид Баракани оёғи учининг паст тарафида Соҳибқирон Амир Темур дағн қилинганд. Умуман ушбу мақбара Темур ва унинг авлодларига сўнгги маскан бўлди.

Амир Темур ўз замонасининг улуғ саркардаси, узоқни кўрувчи буюк давлат арбоби бўлган. Тарқоқ бўлган Турон ва Эронни ягона давлатга бирлаштирган, ўрта аср уйғониш даври маданияти, илм-фани, санъати тараққиётига бебаҳо ҳисса қўшган, унинг беназир ҳомийси бўлиб танилган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи. I-қисм. //Сўз боши, араб тилидан таржима ва изоҳларни фил.ф.номзоди У.Уватов тайёрлаган. – Тошкент: Мехнат, 1992. – 328 б.
2. Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи. II-қисм. //Сўз боши, араб тилидан таржима ва изоҳларни фил.ф.номзоди У.Уватов тайёрлаган. – Тошкент: Мехнат, –1992. – 191 б.
3. Клавихо, Руи Гонзалес де. Самарқандга – Амир Темур саройига саёҳат кундалиги. (1403-1406 йиллар) /муҳаррир М.Али. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010.
4. Кэрэн, Люсьен. Амир Темур салтанати. – Тошкент: Маънавият, 1999.
5. Яздий, Шарафиддин Али. Зафарнома. / Сўз боши, табдил, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифлари Ашраф Аҳмад, Ҳайдарбек Бобобеков. – Тошкент: Шарқ, 1997. – 382 б.